*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил **20 апрель** ШАНБА **№ 33** (12565)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Оилавий тадбиркорлик



# МАТЛУБА АЯ ВА УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

**Ўрта Чирчиқ туманидаги "Янги ҳаёт" қўрғонида Матлуба ая Исоқовани қўли гул чевар дея алқашлари бежизга эмас. Чеварлик қилаётганига йигирма йилча бўлди. Бу даврда қанчадан-қанча бежирим ва чиройли либослар тикиб, маҳалладош опа-сингилларини хушнуд этди.**

Бу оилани чеварлар оиласи дейишади. Қизлари Маҳфуза ва Умида онасидан ўрганиб, чевар тикувчи бўлишди. Аянинг келини Ҳилола ҳам тезда тикувчиликни ўрганиб олди. Ўғли Жаҳонгир уларга барча ишларда кўмакчи. Айниқса, дўппи тикишда унга тенг келадигани йўқ.

Умида Исоқова Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловларида оиласи номидан иштирок этмоқда. У бу йил туман босқичида ҳунармандлик йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади. Вилоят босқичида ҳам фаол иштирок этиб, фахрли диплом ва соврин билан қайтди.

– Фарзандлар тарбиясида, уларни касб-ҳунарга йўналтиришда ота-онанинг ўрни муҳим экан, – дейди тадбиркор Умида Исоқова. – Онамиз бизни ҳунарга ўргатди. Чеварлик туфайли обрў-эътиборга эга бўлдик.

Касб-ҳунар инсонни бахт-саодатга элтади. Ҳунарли киши асло кам бўлмайди. Оиланинг моддий шароити мустаҳкамланади.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**

**СУРАТДА:** чевар тикувчи Умида Исоқова.

**Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.**

Сиёсий ўқув

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ

**Давлат органлари ва бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий ҳамкори бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) тизимини ривожлантириш жамиятдаги барча ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатлари, тийиб туриш ва қарама-қаршиликлар мувозанатини таъминлашнинг таъсирли тамойилларидан биридир. Бундай тенглик эса жамиятнинг барқарор ривожланиши кафолатидир.**

ННТ сектори фаолияти зарурлигини асослайдиган иккита муҳим сабаб бор. Биринчидан, социал зарурият. Чунки ННТ демократик жамиятда муҳим функцияни бажаради, яъни аҳолининг муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш учун махсус муҳит яратади, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Иккинчидан, иқтисодий зарурият – ННТ шундай хизматлар кўрсатиб, шундай қадриятларни ҳаётимизга олиб кирадики, улар етарли даражада фойдали бўлмайди ва давлатнинг ижроия органлари уларни тўлақонли бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Фаолияти давомида ишлаб топилган барча маблағларни ННТ ўз дастурларини кенгайтириш ва молиялаштиришга йўналтиради. Бу билан давлатга ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъатни қўллаб-қувватлашда ёрдам бергани ҳолда давлат бюджетига уларнинг оғирлиги тушмайди.

Ўзбекистонда демократик институтларнинг шаклланиши ижтимоий тараққиётнинг дунёвий анъаналарига мос ҳолда кечмоқда. Мамлакатимизда ННТ фаолияти биринчи галда жамиятнинг кам таъминланган, ёши улуғ ва меҳнатга қобилиятсиз аъзоларини ҳимоя қилиш учун шароит яратиш орқали ислоҳот дастурларини амалга оширишнинг ижтимоий харажатларини енгиллаштиришга, аҳоли бандлигини кенгайтириш ва бошқа касбларни ҳам ўрганишига, қишлоқ ва кичик шаҳарлардаги ислоҳотларга кўмаклашишга, кичик ва ўрта бизнес ривожини рағбатлантиришга қаратилган. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, ҳаётимиздаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда уларнинг роли тобора ошиб бормоқда. Аммо ННТнинг вазифалари қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмасин, уларни у ўз фаолиятининг ишончли иқтисодий салоҳиятига эга бўлган ҳолда, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ўз маблағларидан ҳам, давлатнинг қўллаб-қувватлаш тамойилларидан ҳам самарали фойдаланибгина муваффақиятли амалга ошириши мумкин. Давлат муайян кафолат, имтиёз ва преференциялар бериш, солиққа тортиш ва давлат томонидан молиялаштириш тартибларини такомиллаштириш йўли билан ННТ ривожини рағбатлантиради.

(Давоми 2-бетда).

**Зангиота туман маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ота-оналар иштирокида битирувчиларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласига бағишланган суҳбат бўлиб ўтди.**

# БИТИРУВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Сўзга чиққанлар ёшларнинг пухта таълим-тарбия олишлари ва касб-ҳунар ўрганишлари учун яратилаётган имкониятлар, тадбиркорликни ривожлантиришга ва битирувчиларни юз фоиз иш билан таъминлаш борасида кўрсатилаётган амалий ёрдам ҳақида гапиришди.

Ота-оналарнинг амалиёт давридаги айрим муаммолар ва фарзандларини мутахассислиги бўйича ишга жойлашишлари масаласига оид саволларига мутахассислар атрофлича жавоб ва керакли тавсиялар бердилар.

**Зилола АЛИЕВА.**

# МИЛЛИЙ ЭМЛАШ КУНЛАРИ



**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Полиомиелитга қарши эмлаш ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг бир қисмидир.**

Республика, жумладан вилоятимизга ёввойи полиомиелит вирусининг четдан кириб келиши ва тарқалиб кетишига йўл қўймаслик, ўтказилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудига ёввойи полиовирусининг тарқалишини олдини олиш тўғрисидаги дастури ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу борадаги махсус буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида шу йил 22-27 апрель ва 20-25 май кунлари Тошкент вилояти ҳудудида "Миллий эмлаш кунлари" ўтказилади.

Унда 5 ёшгача бўлган болалар оғиз орқали полиомиелит вакцинаси билан эмланадилар.

**Камола ТЎЛАГАНОВА, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент вилояти филиали директори.**

Кўргазма



# ДУНЁ САЙЁҲЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ"да "Дам олиш дунёси" биринчи халқаро ўзбек сайёҳлик кўргазмаси (UITF – 2013) очилди. "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва "Буюк Ипак йўли" реклама агентлиги ташкил этган кўргазма Ўзбекистонда баҳор-ёз сайёҳлик мавсумининг бошланишига бағишланди.**

Буюк Ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги билан дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторидан жой олган. Жумладан, Тошкент вилояти ҳам бетакрор табиати, қадимий ёдгорликлари, гўзал масканлари, шифобахш сувлари, тоза ҳавоси билан ажралиб туради. Угом-Чотқол миллий боғи, Чорвоқ сув омбори, Чимён тоғ ёнбағирлари, Бўстонлиқ оромгоҳлари юртимизга ташриф буюрган ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди.

Халқаро кўргазма қатнашчилари учун "Гастрономик туризм – жаҳон сайёҳлик индустриясида янги истиқболли йўналиш" мавзуидаги илмий-амалий семинар ва соҳага оид давра суҳбатлари ташкил этилди. Шунингдек, кўргазма негизида ўтказилган "Ош байрами" фестивали барча қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистоннинг турли воҳалари, шу жумладан вилоятимиздан қатнашган уста ошпазлар ўзбек шоҳ таоми – палов турларини тайёрлаб, хорижий меҳмонлар ва ташкилотчиларнинг таҳсинига сазовор бўлишди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Фармон ва ижро

# ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИ КЕНГАШ НАЗОРАТИДА

**Республика Президентининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони эълон қилинганига ярим йил бўлди. Бу муддат ташкилий-таркибий масалалар билан боғлиқ вазифаларни охиригача ҳал этиб, амалий ишларни кенг кўламда авж олдириш ҳамда дастлабки саъй-ҳаракатларнинг илк самараларини кўриш учун етиб-ортади. Шу ўтган даврда бажарилган ташкилий-амалий ишлар ҳақида вилоят фермерлар кенгашининг ҳуқуқий масалалар бўйича бош мутахассиси Қаҳрамон Абсаев "Тошкент ҳақиқати" мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.**



– Юртбошимизнинг Фармонидан келиб чиқиб вилоятнинг барча туманларида фермерлар кенгашлари тўлиқ шакллантирилиб, алоҳида бино, транспорт воситалари, компьютер ва бошқа жиҳозлар билан мукаммал таъминланди. Фермерлар кенгаши фаолиятини кенг йўлга қўйиш ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилишлар ўтказилиб, Фармонда белгиланган муҳим ва устувор вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Биз ишни биринчи навбатда туманларда фермер хўжаликлари иштирокида Фармоннинг мазмун-моҳияти ва мақсадини таҳлил этишга бағишланган учрашувлар ўтказиб, дастлабки ишларимизни фермер хўжаликларининг сўнгги 3 йиллик фаолиятини атрофлича ўрганиб чиқиш ҳамда уларнинг шартнома мажбуриятларига бўлган муносабатига баҳо беришдан бошладик.

Барча туман кенгашларининг 2013 йили иш режалари тузилиб, тасдиқланди. Шунингдек, "Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар" Дастури ишлаб чиқилди ва барча вазифалар шу дастурда белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Катта тажрибага эга вакиллар ва кенгаш аъзолари ҳудудларга бириктирилиб, ҳар бир фермер хўжалигининг шароитидан келиб чиқиб, алоҳида агротехник тадбирлар белгиланиб, уларнинг кунлик ижроси назоратга олинди.

Бундан ташқари, кенгашнинг мавсумий иш режаси ишлаб чиқилиб, кузги, қишги даврда фермер хўжаликлари бажарадиган агротехник тадбирлар жумладан, хандақ қазиш, гўнг чиқариш, ғалла майдонларини пайҳонга қарши четан билан ўраш, озиқлантириш, ариқ ва зовурларни тозалаш, боғ ва токзорларда амалга ошириладиган ишлар ҳам кенгаш назоратига олинди. Вилоят ва туманларда тузилган ишчи гуруҳлар таркибига кенгаш аъзолари киритилди.

Деҳқон бозорларида нарх-навони пасайтириш ва барқарорлаштириш, бунинг учун соғлом рақобатни юзага келтириш мақсадида туманларда кенгаш бозорларини ташкил этиш ишларини бошлаб юбордик. Жумладан, Зангиота тумани ҳокимлиги билан келишиб, 50 сотих ерда фермерлар кенгаши бозорини қуришга киришилди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш Дастурига асосан 2013 йилда вилоятда 2196 та шундай фермер хўжаликларида 12 мингдан зиёд янги иш ўринларини очиш белгиланган. Жумладан, сервис хизмати соҳасида 2221 та, қайта ишлашда 487 та, қорамолчиликда 595 та, паррандачиликда 343 та, балиқчиликда 248 та, асаларичилик йўналишида 118 та янги иш ўринлари ташкил қилиниб, уларга асосан касб-ҳунар коллежларини битирган ёш ўғил-қизлар қабул қилинади.

Бу йил 11 та фермер хўжалигида 70 гектар интенсив боғ барпо этилиб, 105 та иш ўрни, 36 та фермер хўжалигига 1229 та қорамол келтирилиб, 160 та иш ўрни ҳамда 17 та фермер хўжалигида 119 та сервис хизмати шахобчалари очилиб, 298 та иш ўринлари яратилди.

(Давоми 2-бетда).

Бугуннинг гапи



# БИРИНЧИ ИШЛОВ ЯҚИН

**"Иноятов Бекзод" Пискент туманидагина эмас, балки вилоятда ҳам энг юқори ҳосилли фермер хўжаликларидан бири. Ҳар йили гектаридан 40 центнерга етказиб пахта хирмони уюлади.**

– Ҳосил тупдан олинади деб бежиз айтишмайди асл деҳқонлар, – дейди хўжалик раҳбари Бекзод Широнов. – Гектарлар қанчалик тўлиқ бўлса, ҳосилдорлик шунча юқори ва хирмон баракали бўлади. Тўлиқ кўчат олиш учун эса, чигитни эрта ва қисқа муддатда сифатли экишга эришиш лозим. Биз шу тартибга ҳар мавсум қатъий амал қиламиз. Шу боис пахта ҳосилдорлиги барқарор.

Фермер таъкидлаганидек, бу йил ҳам 17,5 гектар майдонга эрта муддат – 25 мартда, яъни бир кунда уруғ қадалди. Ҳозир барча майдонларда чигит қийғос униб чиқди. Энди хўжалик механизаторлари дастлабки культивацияга тайёргарлик кўришмоқда.

**СУРАТДА:** фермер Бекзод Широнов.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

# ДАВРА СУҲБАТИ

**Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши, "Истиқбол" ёшлар ва "Фаол аёллар" қанотлари 30-умумий ўрта таълим мактабида Юртбошимизнинг Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган маърузаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати уюштирди.**

Маҳалла фаоллари, уй бекалари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг сессияда билдирган фикр ва мулоҳазаларидан барча бирдек таъсирланганини таъкидладилар.

– Айниқса, Юртбошимизнинг "Бугунги кунда деҳқоннинг косасини оқартирадиган – бу фермерлик ҳаракати эканини ҳаммамиз яхши тушуниб олдик, деб ўйлаймиз. Биз шу йўлга ўтдикми, энди фермерларимиз учун янада кенг йўл очиб беришимиз керак" деган фикрлари ва биз фермерларга қарата жон куйдириб айтган сўзлари янада фидойилик кўрсатиб ишлашимиз учун туртки бўлди десам янглишмаган бўламан, – деди Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, "Нурмат ота" фермер хўжалиги раҳбари Зайлиддин Нурматов.

Давра суҳбати сўнгида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

Фармон ва ижро

# ФЕРМЕРЛАР ФАОЛИЯТИ КЕНГАШ НАЗОРАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимизнинг Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги "Бугунги кунда деҳқоннинг косасини оқартирадиган – бу фермерлик ҳаракати эканини ҳаммамиз яхши тушуниб олдик деб ўйлайман. Биз шу йўлга ўтдикми, энди фермерларимиз учун янада кенг йўл очиб беришимиз керак" деган сўзлари вилоятимизда ҳеч кимни бефарқ қолдирмади десам хато бўлмайди. Биз шу кўрсатмага амал қилиб, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, фермерлар масъулиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий билим ва малакаларини мустаҳкамлаш мақсадида туман фермерлар кенгашлари бошчилигида коллежларни намунавий қилиб, чет эллар коллежлари ва фермерлари билан алоқалар ўрнатиб, тажриба алмашишини йўлга қўйишига кўмаклашиш учун ўқув-семинарлар ўтказмоқдамиз. Айни вақтда Зангиота туманида республика кўргазмали семинарини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Вилоят фермерлар Кенгаши ҳуқуқий масалалар секторининг саъй-ҳаракати билан давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармони ижроси юзасидан барча туман ҳокимлиги ҳузурида тузилган "Туманда ер участкаларини қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун танлаш ва ажратиш" бўйича доимий ишловчи комиссия таркибига туман фермерлар кенгашлари раислари ҳам киритилди. 2012 йилда пахта контрактация шартномаларини бажармаган фермер хўжаликларининг келгусида бунга йўл қўймаслиги ҳамда шартномалар барбод бўлишининг олдини олиш юзасидан барча туман фермерлар кенгашларида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси назоратга олинди.

Республика Президенти Фармони ижроси юзасидан супер элита, элита ва бошқа репродукцияли уруғлик ғалла ва пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун фермер хўжаликлари ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритилгани ва ушбу қарорга жойларда сўзсиз риоя этилишини назоратга олиш мақсадида вилоят "Ўздавуруғназорат" инспекцияси ва вилоят "Пахта уруғчилиги" бирлашмасига алоқа хатлари киритилди.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳуқуқий масалалар юзасидан киритган ариза ва мурожаатларга эътибор кучайтирилиб, қонуний ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, Оққўрғон туманидаги "Эргаш Саиджаҳон" фермер хўжалиги билан "Тошкентдонмаҳсулотлари" ОАЖ ўртасида 2011 йилда тузилган контрактация шартномаси мажбуриятлари "Тошкентдонмаҳсулотлари" томонидан бажарилмагани, яъни фермер хўжалигидан 9.797.267.29 сўм қарз экани аниқланди ва қарзни зудлик билан тўлаш шартлиги ёзма равишда тушунтирилди. Шундан сўнг жамият фермер хўжалиги ҳисоб рақамига қарз суммани ўтказиб берди.

Зангиота туманидаги "Ашраф ота" фермер хўжалиги раҳбарининг ўзи қурган икки қаватли савдо дўконига эгалик ҳуқуқини ололмаётгани хусусидаги аризасини қонуний тартибда ҳал этиш учун вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматига ва туман ҳокимига кенгаш номидан ёзма сўров хати киритилди ҳамда туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматига тегишли кўрсатмалар берилди. Ҳозирги вақтда "Ашраф ота" фермер хўжалиги қурган бинонинг эгалик ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда.

Зангиота туманидаги "Алишер Файз Мурувват" фермер хўжалиги раҳбарининг туман давлат солиқ инспекцияси хўжаликнинг 5 йиллик фаолиятини текшириб, ноқонуний тартибда далолатномалар тузиб, молиявий жарима қўллашни сўраб, вилоят хўжалик судига даъво киритгани хусусидаги мурожаати юзасидан республика Олий хўжалик судининг кассация инстанциясига кассация шикояти киритилди.

Бундан ташқари, ушбу фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб, вилоят давлат солиқ инспекцияси ва молия бошқармасига Зангиота туман давлат солиқ инспекцияси текширишларни ноқонуний тартибда ўтказиб, нотўғри тузилган далолатномаларини кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этишга амалий ёрдам беришни сўраб кенгаш номидан ёзма алоқа хатлари топширилди.

Ҳозирги кунга қадар фермер хўжаликларининг манфаатлари қонуний ҳимоя қилиниб ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг жойлардаги тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлардан мавжуд ҳақларини ундириб бериш учун кенгаш томонидан вилоят хўжалик судига мазкур Фармон асосида давлат божи тўламай, 237 млн. 637 минг 748 сўмлик 17 даъво аризаси киритилди. Фермер хўжаликларининг корхона ва ташкилотлардан жами 2 млрд. 239 млн. 059 минг 700 сўм асосий ҳақлари ҳамда унга ҳисобланган пенялар юзасидан қарздор корхона ва ташкилотларга талабномалар киритилиб, ундириб бериш чоралари кўрилмоқда.

Вилоят ва туманлар кенгашлари ҳозирги кунга қадар 300 дан зиёд фермерга мавжуд муаммолари юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатди.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# «ГУЛБОҒ»ДА ЯНГИ УЙЛАР

**Республика Президентининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга оид саъй-ҳаракатлар тобора кенг қулоч ёймоқда.**

Паркент туманидаги "Гулбоғ" маҳалласи ҳудудида бунёд этилган гўзал ва шинам уй-жойлар кўпчиликда ҳавас уйғотмоқда. Уйлар атрофини ободонлаштириш мақсадида мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда анвойи гуллар экилаётгани маҳалла кўркига кўрк қўшаётир.

– Маҳалламизнинг 2572 аҳолиси 652 та оилада тинч-тотув яшашади, – дейди маҳалла оқсоқоли Бекзод Эгамбердиев. – Юртимизда турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар катта самаралар бераётганини маҳалламиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги кунда 66 та намунали лойиҳадаги янги уйлар қурилди. Табиий газ, электр энергияси, иссиқлик ҳамда ичимлик суви таъминоти, уйларга элтувчи йўл ва кўчаларга ҳавас қилса арзийди. Обод турмуш йилида бу ишлар янада изчил давом эттирилади.

Маҳалла йўлларини таъмирлаш ва ободончилик ишларида "Паркент туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси"нинг хизмати катта бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, республикамиз Президенти ташаббуси билан 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда "Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуида ўтказилган халқаро конференциянинг элликка яқин мамлакатдан ташриф буюрган қарийб 300 нафар олим, мутахассис ва экспертлари ҳам ушбу замонавий уйларни бориб кўриб, хонадон соҳиблари учун яратилган қулай ва шинам шарт-шароитларга юқори баҳо бердилар.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.**



**СУРАТДА:** уста Саъдулла Убайдуллаев (ўртада) ишчиларга навбатдаги вазифаларни белгилаб бермоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Транспорт



# ЙЎЛИ БЕХАТАРНИНГ ХОТИРИ ЖАМ

**Кейинги йилларда барча соҳаларда улкан бунёдкорлик, яратувчилик ва ободончилик ишлари амалга оширилдики, натижада йўлларимиз янада кенгайиб, равонлашди. Йўловчи транспорти қатнови кескин кўпайди.**

Касби ҳайдовчи бўлган Дилшод Қиличев йиллар давомида соҳа ҳадисини олган ишбилармон раҳбар сифатида 2006 йилда тадбиркорликка қўл урди ва "Жасуртранссервис" хусусий корхонасини очди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш" департаментида рўйхатга олинган "Жасуртранссервис" Юнусобод туман 7-мавзе ва Мирзо Улуғбек туман Доғистон кўчаси оралиғидаги 16 км.ли масофада йўловчи ташишни кенг йўлга қўйди. "Газель" русумли машиналарнинг режали қатнови, оралиқ муддатнинг қисқалиги туфайли йўловчилар узоқ кутиб қолмайдилар. Чунки ҳайдовчилар линиялараро белгиланган вақт тартибига қатъий амал қиладилар. Яқинда "Саноатқурилишбанк"дан уч йил муддатга кредит олиб, 7 та "Газель" машиналари харид қилингани йўловчиларнинг манзилини янада яқин қилди.

– Йўналишимизнинг серқатновлиги ва марказий йўлларга тўғри келгани ҳайдовчилардан эҳтиёткорликни ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади, – дейди Дилшод Қиличев. – Қиш ва баҳорнинг серёмғир келганлиги сабабли йўллар бироз таъмирталаб бўлиб қолди. Ёмғир мавсуми тугагач, таъмирлашни бошлаймиз. Йўл соз ва текис бўлса, машиналар бузилмай, узоқ муддат хизмат қилади.

Жорий йилнинг якунида корхона ижарачиликдан чиқиб, ўз хусусий автопаркига эга бўлишни, ишчи ўринларини янада кенгайтириш ва лизинг асосида қўшимча "Газель" машиналари сотиб олишни мақсад қилган.

**Марям АҲМЕДОВА.**

Сиёсий ўқув

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ННТ секторининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари билан фаол ҳамкорлиги, ННТнинг фаол ижтимоий фойдали фаолияти молиявий субсидиялар ва социал буюртмалар кўринишида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уларнинг фуқаровий ташаббусларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган фаолияти барқарор бўлишига кўмаклашади. ННТнинг барқарорлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан пухта молиявий стратегияга, солиқ режасига, тўғри шакллантирилган бюджетга ва ҳисоб-китоб юритиш сиёсатига боғлиқдир.

ННТ тизимининг янада ривожланишига, шунингдек уларнинг истиқболли, социал ва ижтимоий аҳамиятга эга дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашишига кўмаклашиш мақсадида 2008 йил 3 июлда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 842-1/513-1-сонли қўшма қарори қабул қилинган.

Парламент палаталарининг қўшма қарори қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад ННТни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун объектив шароит ва мустақил тизим яратишдир. Шу мақсадда Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ташкил этилган.

Фонд фаолиятига Васийлик кенгаши раҳбарлик қилади, унинг функциясини парламент комиссияси бажаради. Парламент комиссияси 6 нафар сенатор, Қонунчилик палатасининг 6 нафар депутати, йирик ННТ ва ОАВнинг 9 нафар вакили, шунингдек Ўзбекистон Адлия ва Молия вазирликларининг 3 нафар эксперти, олий таълим муассасалари ректорларидан иборат таркибда тузилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига кўра ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти давлат томонидан субсидиялар, грантлар, социал буюртмалар бериш шаклида қўллаб-қувватланмоқда.

2008 йилдан ҳозиргача Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси кўмагида ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари ассоциациялари ва бирлашмаларининг 600 га яқин социал аҳамиятга эга лойиҳалари, дастурлари, устав вазифалари амалга оширилди. Бунинг учун 22,4 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

2012 йилнинг ўзида 1500 дан зиёд ННТ ва бошқа фуқаролик институтлари иштирокида ассоциация ва бирлашмаларнинг 230 та турли лойиҳалари, дастурлари ва устав вазифаларини рўёбга чиқариш учун жами 6,4 млрд. сўмлик кўмак берилди. Натижада йўналтирилган маблағларнинг умумий миқдори 2010 йилга нисбатан 42 фоиз ошди. Жумладан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат субсидиялари шаклида 2,3 млрд. сўм ажратилди. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида 15 та ижтимоий лойиҳа ва дастур социал буюртма шаклида қўллаб-қувватланди. Бунинг учун 1,174 млрд. сўм йўналтирилди. Мустақил ОАВни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида социал буюртма шаклида қўшимча 100 млн. сўмга яқин маблағ ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, социал буюртмалар доирасида ҳар йили "Ўзбекистон матбуоти", "Ҳуқуқлар журналист нигоҳида", "Жамият ва мен" миллий форум ва кўргазмалари, "Эътироф" танлови, Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан "Олтин қалам" миллий мукофоти халқаро танлови ўтказилмоқда.

2012 йилда 35 та долзарб мавзу бўйича 7 та давлат грантлари танлови ўтказилди. Грант танловларида 745 та ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 980 дан зиёд ижтимоий лойиҳалари билан қатнашди. Парламент комиссиясининг қарорига кўра 211 та лойиҳа жами 2,964 млрд. сўм миқдоридаги маблағ билан қўллаб-қувватланди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда давлат грантини олиш учун қўшимча танлов ўтказилди. Натижада 20 га яқин ижтимоий лойиҳа жами 350 млн. сўм миқдорида қўллаб-қувватланди.

Бизнинг фикримизча, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш миллий моделининг ташкилий-институционал жиҳати фуқаролик институтларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашнинг энг муҳим шарти бўлди.

Биринчидан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, энг демократик тамойилларга асосланган тизими яратилган. Масалан, ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилаш ва тақсимлаш, уларнинг сарфланишини мониторинг қилиш билан боғлиқ масалалар ижро ҳокимияти органлари, хусусан Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси иш юритувидан мамлакатнинг олий қонунчилик органи – Олий Мажлис ихтиёрига ўтказилди.

Иккинчидан, жамоат фонди ва парламент комиссиясининг иши энг юксак демократик талабларни ҳисобга олган ҳолда, ошкоралик, очиқлик, ҳаммабоплик, холислик тамойиллари асосида ташкил этилган. Масалан, фонд маблағи бевосита ННТга уларнинг аризалари ва парламент комиссиясининг қарорлари асосида бирон-бир оралиқ бўғин ва тузилмаларнинг иштирокисиз ажратилади.

ННТни қўллаб-қувватлашга ажратиладиган маблағ миқдорини белгилаш парламент комиссиясининг тавсияномаси бўйича Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида ва муддатида амалга оширилади. Ушбу маблағларнинг сарфланиши ҳақидаги ҳисоботлар ҳам худди шу тартибда муҳокама қилинади. Фонд ҳар йили оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти ҳақидаги тўлиқ ҳисоботни, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратилган маблағлар қандай тақсимлангани ва сарфлангани тўғрисидаги ахборотни эълон қилиб боради.

Учинчидан, Ўзбекистонда жамоат фондининг маблағлари ажратилиши мумкин бўлган мақсадлар аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, улар ННТнинг минтақалардаги аниқ социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ўзлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган социал ва ижтимоий лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилади. Қўллаб-қувватлаш соҳалари ва шартларининг бундай аниқ белгилаб қўйилиши фонд маблағлари адолатли, холисона тақсимланишининг муҳим кафолати ҳисобланади.

Тўртинчидан, ННТнинг кенг кўламли халқаро алоқаларини рағбатлантириш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Фонд ва парламент комиссиясининг вазифаларидан бири ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш масалаларига бағишланган турли халқаро тадбирлар ўтказилишига, жамиятни демократлаштириш жараёнларида уларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, фонд маблағларини шакллантириш манбалари сифатида давлат бюджети маблағлари билан бирга ихтиёрий ҳомийлик маблағлари, жумладан халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳам белгилаб қўйилган.

Бешинчидан, қўшма қарорда ННТ олинган маблағлардан мақсадли, айни пайтда эркин фойдаланишига доир бир қатор кафолатлар назарда тутилган. Хусусан, ННТга ажратилган, ҳисобот йилида фойдаланилмай қолган маблағлар бюджетга қайтарилмаслиги, балки кейинги йили белгилаб қўйилган мақсадга кўра ишлатилиши мустаҳкамланган. Бу қоида бюджет маблағларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи умумий қоидалардан истисно ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб атайин шундай қилинган.

Олтинчидан, фонд маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат (мониторинг) қилиш парламент комиссиясига юклатилган. Бу қоида ушбу масалаларни ҳал қилишга бошқа тузилмалар асоссиз, ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўйилмаслигининг муҳим кафолатидир. Унинг қўлланиши ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг эркинлиги, молиявий мустақиллиги мустаҳкамланишига имкон беради.

**Дамир СИДДИҚОВ, Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раисининг ўринбосари.**

**Светлана ОРТИҚОВА, комиссия аъзоси.**

Огоҳлик

# БИЗГА ЁТ ИЛЛАТ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ташаббуси билан жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўқув муассасаларида "Огоҳлик – давр талаби", "Терроризм – аср вабоси", "Миссионерликнинг олдини олиш", "Дин ва жамият" сингари мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.**

Қибрай академик лицейида яқинда бўлиб ўтган шундай тадбирда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, ўқув юртлари, ота-оналар ва жамоатчилик олдида турган вазифалар хусусида сўз юритилди. Бундай тадбирлар давомида 8,5 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Шунингдек, мактаб, коллеж ва лицейларда ёшлар тарбиясига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда гиёҳвандликнинг олдини олиш, бу иллатнинг аянчли оқибатлари масалалари иштирокчиларнинг диққат марказида бўлмоқда. Жумладан, Пискент туман ички ишлар бўлими, прокуратура, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамкорлигида агросаноат коллежида ўтказилган тадбирда бугунги кунда гиёҳвандликнинг дунё миқёсидаги энг хатарли муаммога айланиб бораётгани, унинг ёшлар орасида кенг тарқалишининг олдини олиш мавзусида маърузалар ўқилди, фойдали фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар учун гиёҳвандлик мавзусидаги "Ажал тўри" фильми намойиш этилди ва ўқувчи-ёшларнинг таассуротлари тингланди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

